

**“Ўзтрансгаз” АЖ**  
акциядорлар умумий йиғилишининг  
2024 йил 7 августдаги қарори билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖНИНГ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
СИЁСАТИ**

**(янги таҳрирда)**

**Тошкент 2024**



## Мундарижа

1. МАҚСАД.....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
2. ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ .....	4
3. ҲАВОЛАЛАР .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
4. ЖАВОБГАРЛИК.....	5
5. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
6. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	6
7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	7
8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....	9
9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b> 5
10. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ..	20
11. ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.....	22
12. САҚЛАШ.....	22
13. ИЛОВА - “ЎЗТРАНСГАЗ” АЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ”НИНГ ҚИСҚА ТАҲРИРИ.....	23
14. ХОДИМЛАРНИ “ЎЗТРАНСГАЗ” АЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ” БИЛАН ТАНИШИШ ВАРАҚАСИ.....	24

## **1 МАҚСАД**

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

Ушбу Сиёсат Жамиятнинг 2020 йил 30 сентябрдаги 125-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўрнига, шу билан бирга “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **2 ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ**

Мазкур Сиёсат Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар томонидан қатъий ва сўзсиз амал қилиниши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

## **3 ҲАВОЛАЛАР**

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги норматив ҳужжатларидаги тамойиллар ва меъёрлар ҳамда менежмент тизимларининг халқаро стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги 419-сон Қонуни;

ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари - Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар”;

МТП 01 “Ўзтрансгаз” АЖнинг интеграллашган менежмент тизимининг ҳужжатлаштирилган маълумотларини бошқариш тартиботи.

#### **4 ЖАВОБГАРЛИК**

Жамият ижроия аппарати, таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимлари, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар мазкур Сиёсатга қатъий ва сўзсиз амал қилиши ҳамда белгиланган талабларининг бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талаблари бузилишида айбдор бўлган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар!

#### **5 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

5.1 Коррупцияга қарши курашиш тизими бошқаруви Жамият фаолиятига қаратилган бўлиб, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ушбу Сиёсатни фаолиятнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишлари, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

5.2 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;
- ишчи ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, Жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;
- Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5.3 Ушбу Сиёсат Жамиятнинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

5.4 Мазкур Сиёсатнинг талаблари, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар Жамият билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларига тадбиқ

этилади.

5.5 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларига ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ҳамда унинг қоидаларига сўзсиз ва қатъий риоя қилишга мажбур!

## 6 АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар мос таърифлари билан қўлланилган:

6.1 **Алоқадор шахслар** - ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар (акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно);

6.2 **Иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор ҳаражатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш ҳаражатларини қоплаш билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.;

6.3 **Коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида рухсат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган мурожаат;

6.4 **Контрагент (шартномавий шерик)** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

6.5 **Коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида, қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

6.6 **Коррупциявий ҳаракатлар** - ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкий тусдаги хизматларни, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

6.7 **Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** - коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

6.8 **Коррупцияга қарши курашиш тизими** - қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

6.9 **Коррупциявий хавф-хатар** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

6.10 **Манфаатлар тўқнашуви** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Жамиятнинг ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

6.11 **Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар** - белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

6.12 **Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

6.13 **Ходим** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

6.14 **Яқин қариндошлар** - ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ҳамда опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси.

## **7 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари

коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

**7.1 Қонунийлик** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Жамият тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

**7.2 Коррупцияга тоқатсизлик** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Жамиятнинг ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

**7.3 Очқлик ва шаффофлик** - Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида Жамият ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

**7.4 Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ҳамда коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда Жамиятнинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

**7.5 Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

**7.6 Техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

**7.7 Тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** – Жамият тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда, белгиланган

чораларни кўриш учун тўсқинликсиз ташкилот раҳбарига ёки Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимига мурожаат қилиши мумкин;

**7.8 Фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик** - Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда Жамият фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида, мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

**7.9 Коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** - коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари тўхтовсиз равишда Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини ошириш чораларини кўрадилар.

## **8 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

**8.1** Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкий тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёхуд ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

**8.2** Қуйидагилар Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

**а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, яъни Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:**

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Жамият тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;

Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом;

Жамият тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар

тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;

Жамият тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент;

Жамият тизими ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома;

Жамият тизимида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;

Жамият тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома;

Жамият тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;

Жамият тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти ва бошқа шу каби ҳужжатларда акс эттирилган талаб ва тартиб-тамоиллар ташкил этади.

**б) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:**

Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида, Жамиятнинг ижроия аппаратида коррупцияга қарши курашишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун масъул бўлган алоҳида мустақил бўлим – Комплаенс-назорат бўлими ташкил этилган;

Комплаенс-назорат бўлими Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита тўғридан-тўғри Жамият Бошқарув Раисига бўйсунди ва ўз фаолиятини Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланган Комплаенс-назорат бўлими тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг Персонални бошқариш департаменти (Кадрлар бўлимлари/хизматлари) Жамият тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ҳамда алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар бўлади;

Бундан ташқари, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари одоб-ахлоқ комиссиялари, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Персонални бошқариш департаменти (Кадрлар бўлимлари/хизматлари)дан келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (манфаатлар тўқнашуви тартибга солинмаган тақдирда) уни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ёки аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ёхуд етарли эмаслиги тўғрисида қарор

қабул қилади, шунингдек, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши масалаларини кўриб чиқади. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида Персонални бошқариш департаменти (Кадрлар бўлимлари/хизматлари) ва Одоб-ахлоқ комиссиялари (ёки шунга ўхшаш комиссиялар) Жамият тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом асосида иш юритади.

**в) “Юқоридан қуйига муносабат” - юқори даражада раҳбарлик намунаси:**

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлишлари керак;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари раҳбарлари коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га, коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасида, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш.

**г) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:**

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимининг фаол кўллаб-қувватлаши ва назорати остида

Жамиятнинг тегишли раҳбарлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади;

Жамиятнинг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъий назар уларни бошқариш заруратини тан олади;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Жамиятнинг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади, шунингдек, аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади.

**д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари:**

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этадилар;

Жамият - коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интилади;

амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади.

**е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:**

коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ҳамда Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида Жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайтларига жойлаштирилади;

бундан ташқари, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида Жамият ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор

қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-ҳаракатларни амалга оширади:

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш/тренинглар ҳақидаги маълумотлар Персонални бошқариш департаменти (Кадрлар бўлимлари/хизматлари)да қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга мурасасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказиш;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 8-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чикқанда, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларига маслаҳатлар бериш;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларини киритиш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш хулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.

**ж) мониторинг, назорат ва ҳисобот:**

Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими Жамият тизимида коррупцияга

қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади;

Жамиятда мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартиш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ, самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида, танлов асосида Жамият тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талаблар, тартиб ва қоидаларга қатъий риоя қилинишини назорат қилиш;

Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимига юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

Комплаенс-назорат бўлими томонидан амалга оширилган назорат қилиш ва мониторинг бўйича чора-тадбирлар натижалари Жамият тизимидаги таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарларининг чораклик ҳисоботларида ўз аксини топади.

### **з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:**

мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар ўз буйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган

тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар;

ходимлар ва уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай муурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида, ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ва Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимига хабар беришлари шарт;

коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Жамият тизимида ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган Жамият ижроия аппаратининг департаментлари, бўлимлари, хизматлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортиладилар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилади ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

## **9 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- **Манфаатлар тўқнашувини бошқариш**

9.1 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) Жамият манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

9.2 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва ҳолис бажаришларига, жумладан, ҳолис қарор қабул қилишга, шунингдек, Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

9.3 Жамият тизимига ходимларни ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувида олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар. Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Жамият тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

- **Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари**

9.4 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

9.5 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъий назар Жамиятнинг мулкига ўтказилади.

9.6 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

- совғалар Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;
- совға бериш жараёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;
- совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

- Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган ҳаражат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак.

9.7 Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шериклар ва контрагентлар, ушбу Сиёсатнинг 9-боб, 9.5- ва 9.6-бандларида кўрсатилмаган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳ.к.ни инобатга олган ҳолда, бироқ бу билан чекланмасдан) билан боғлиқ ҳолда олинадиган, ушбу Сиёсатнинг 9-боб, 9.4-бандида санаб ўтилган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

9.8 Жамият номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Жамият Бошқарув Раиси ёки йўналишлар бўйича раис ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

9.9 Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходими Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимига маслаҳат сўраб муурожаат қилиши лозим.

• **Номзодларни танлаш, ходимларни лавозимдан лавозимга ўтказиш ва моддий рағбатлантириш**

9.10 Жамият тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан, мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

9.11 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида уларнинг раҳбарлари, шунингдек, департамент, бўлим ва хизматлар бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошқора ҳамда Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

• **Текширишларни ўтказиш ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш**

9.12 Турли хил текширишларни ўтказиш, Жамият таркибий бўлинма ва ташкилотлари ҳамда улар бўйсунувидаги қуйи бўлинмалари (кейинги ўринларда - “Ўрганиш объектлари”) фаолиятини ўрганишда Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари:

- ✓ манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;
- ✓ объектни ўрганиш жараёни бир ходим томонидан амалга оширилмаслиги;
- ✓ ўрганиш объекти вакилларининг етарли малакага эга бўлмаганидан фойдаланиб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, ўрганилаётган объект ходимларини, аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан кўрқитмаслиги;
- ✓ ўрганилаётган объектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- ✓ ўрганиш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари;
- ✓ ўрганиш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;
- ✓ агар ўрганиш объекти вакиллари ўрганиш гуруҳларига аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, ўрганиш гуруҳи раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари;
- ✓ ўрганиш объекти вакилларига ахлоқий хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлишлари шарт.

9.13 Хизмат мажбуриятига таркибий бўлинма ҳамда ташкилотларини ўрганиш вазифаси юклатилган, ўрганиш объектларида ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича, ўрганиш гуруҳи томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низолашиш учун апелляция инстанциялари ташкил этилади.

• **Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар**

9.14 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари контрагент билан ўзаро ҳамкорлигида:

эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, Жамиятда давлат харидлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари доирасида Жамият тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар;

эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида, улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиладилар.

9.15 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-

ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

9.16 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари танлашнинг холис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очиқ ва шаффоф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинадиган маҳсулотнинг Жамият тизимининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайдилар.

- **Хайрия ва ҳомийлик фаолияти**

9.17 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда Жамиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтларида имкон қадар барча чораларни кўришлари мумкин.

- **“Сирли мижоз” тадбири**

9.18 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва тезлигини, шунингдек ҳаққоний ва очиқ танлов натижаларига кўра танлаб олинган мустақил компаниялар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига мойиллигини аниқлаш учун хизматларнинг ҳақиқий олувчилари сифатида алоҳида назорат тадбирлари ўтказилади. Хизматларни кўрсатиш жараёнида мустақил компания бундай хизматларнинг сифати, муддатлари, шартларини, шунингдек, Жамият тизими ходимларининг белгиланган ахлоқ қоидаларига, шу жумладан ходимнинг пора олишга мойиллигини белгилаб боради.

9.19 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўтказилган “сирли мижоз” тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадилар ва коррупция хавфи аниқланган тақдирда хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги ташаббус билан чиқадилар.

- **Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш**

9.20 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупция хавфи юқори бўлган фаолияти (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари, аттестация/билим синови жараёнлари ва бошқалар) видеотасвирга олиниб, улар

ушбу бўлимда сақланиб борилади.

9.21 Айрим жараёнларни онлайн трансляциялари Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

- **Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси**

9.22 Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўтказилади.

- **Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларига маслаҳат бериш**

9.23 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

## **10 КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ**

10.1 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар Жамият тизими ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда Жамиятнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа тизимлари орқали хабар беришлари мумкин.

10.2 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

10.3 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, Жамият тизимининг бошқа ходимларини шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

10.4 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа тизимлари орқали бериш мумкин:

Жамиятнинг Ишонч телефон рақами “(071) 202-10-09”, ички рақами “1148”;

Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими ходимлари телефон рақамлари:  
Бўлим бошлиғи – (99) 010-48-89, етакчи мутахассис – (93) 432-77-70.

Жамиятнинг Комплаенс-назорат бўлими электрон почта манзили  
<compliance@utg.uz>;

Жамиятнинг Коррупцияга қарши <@UztransgazAnticorruption\_Bot>  
telegram канали;

Жамиятнинг Коррупцияга қарши <www.facebook.com/Uztransgazanticorruption>  
facebook саҳифаси;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

10.5 Жамият тизимининг алоқа тизимларига келиб тушган барча хабарлар  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички  
ҳужжатларига мувофиқ ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

10.6 Жамиятнинг расмий <www.utg.uz> веб-сайти (“Коррупцияга чек  
қўйиш тўғрисида хабар бер” интерактив тугмачаси) орқали юборилган хабарлар  
ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Ўз номини ошкор қилинмаслигини  
истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

Жамият хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана  
олмайди;

Жамият зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги  
сабабли, хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

10.7 Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари  
томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс  
билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча  
маълумотларнинг йўқлиги;

Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари  
ходими томонидан қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши, ушбу Сиёсатни  
бузилиши ва ахлоқсиз хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай  
шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Жамиятнинг ички  
ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

10.8 Жамият тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар  
берган Жамият ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички  
ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

10.9 Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта  
ишлаш/кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот Жамиятнинг ички  
ҳужжатларида акс этган.

## **11 ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

11.1 Мазкур Сиёсат Жамият кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади ва доимий таъсир кўрсатувчи ички норматив ҳужжат ҳисобланади.

11.2 Жамият кузатув кенгаши қарорига асосан, Жамиятда Сиёсат ўз кучини йўқотган деб тан олинади.

11.3 Сиёсатга ўзгартишлар киритиш Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига асосан амалга оширилади ва Жамият кузатув кенгаши қарори билан кучга киради.

11.4 Сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги Сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

Жамият тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

## **12 САҚЛАШ**

Ушбу ҳужжат DOC-форматидаги (Word ҳужжати) электрон версияси Методология бўлими бошлиғи ва Комплаенс-назорат бўлими бошлиғининг шахсий компьютерида сақланади.

Ушбу ҳужжатнинг босма асл нусхаси Методология бўлимида сақланади.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларда фойдаланиш учун ҳужжатни тарқатиш унинг нусхасини PDF-форматида босиб чиқариш ва ўзгартиш киритишдан ҳимояланган ҳолда юбориш орқали амалга оширилади.



## 13 ИЛОВА

### “ЎЗТРАНСКАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

“Ўзтрансгаз” АЖнинг  
коррупцияга қарши курашиш Сиёсати  
Илова

#### “ЎЗТРАНСКАЗ” АЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

##### “Ўзтрансгаз” АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати қуйдаги мақсадларни белгилайди:

- ✓ Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;
- ✓ ишчи ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, Жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;
- ✓ Жамият ижроия аппарати ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлари фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни баргараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлаш.

##### “Ўзтрансгаз” АЖда Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари:

- ✓ қонунийлик;
- ✓ коррупцияга тоқатсизлик;
- ✓ очиклик ва шаффофлик;
- ✓ коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- ✓ коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- ✓ техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш;
- ✓ тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш;
- ✓ фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик;
- ✓ коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш.

##### Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйдаги алоқа тизимлари орқали етказиш:

- ✓ Жамиятнинг Ишонч телефон рақами “(071) 202-10-09”, ички рақами “1148”;
- ✓ Комплаенс-назорат бўлими электрон почта манзили <[compliance@utg.uz](mailto:compliance@utg.uz)>;
- ✓ Жамиятнинг Коррупцияга қарши <[@UztransgazAnticorruption\\_Bot](https://t.me/UztransgazAnticorruption_Bot)> telegram канали;
- ✓ Жамиятнинг Коррупцияга қарши <[www.facebook.com/Uztransgazanticorruption](https://www.facebook.com/Uztransgazanticorruption)> facebook саҳифаси;
- ✓ тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.



Жамиятнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талаблари бузилишида айбдор бўлган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар!

